



## ЎЗБЕКИСТОНДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ: ҚОНУНЧИЛИК, МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Ашурова Нилуфар Ўктамовна  
Ўзбекистон Республикаси Жамоат  
хавфсизлиги университети доценти,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15628789>

### ARTICLE INFO

Received: 01<sup>st</sup> June 2025

Accepted: 05<sup>th</sup> June 2025

Published: 10<sup>th</sup> June 2025

### KEYWORDS

ЮНИСЕФ,

ҳуқуқбузарлик, яқин  
қариндошлар, номусга  
тегиш, уятсиз-бузуқ  
ҳаракатлар,  
ғайриижтимоий ҳатти-  
ҳаракат, Жиноят кодекси,  
Маъмурий жавобгарлик  
тўғрисидаги кодекс, Олий суд  
пленими.

### ABSTRACT

Ушбу мақола вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш ва уларга нисбатан содир этиладиган жиноятларнинг профилактикаси масалаларига бағишланган. Ҳуқуқий ҳамда ижтимоий жиҳатдан вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлашда халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликнинг муҳим ўрни таъкидланади. Ўзбекистонда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатида устувор йўналиш ҳисобланади ва бу борада Президент Ш.М.Мирзиёевнинг фикрлари келтирилган. Мақолада вояга етмаганлар иштирокида содир этилган жиноятларнинг статистикаси ва уларнинг асосий сабаблари — оилавий муҳит, таълимдаги камчиликлар, интернет хавфлари ҳамда ижтимоий назоратнинг етишмаслиги таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада жиноятчилик профилактикасининг аҳамияти, мактабларда ҳуқуқий тарбиянинг ўрни, профилактика инспекторларининг фаолияти ва уларнинг малакасини ошириш заруратига алоҳида эътибор қаратилади. Вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик ва бошқа жиноятлар юзасидан қонунчиликдаги бўшлиқлар ҳам кўриб чиқилган. Халқаро тажриба ва БМТ ҳамда ЮНИСЕФ маълумотлари асосида вояга етмаганларни ҳимоя қилишнинг комплекс ёндашуви, жумладан ҳуқуқий, психологик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари таклиф қилинган. Мақола, шунингдек, жиноятлар профилактикасини кучайтириш учун қонунчиликни такомиллаштириш ва ижтимоий ёндошувларни ривожлантиришни тавсия этади.

Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, уларга нисбатан шафқатсизлик ва зўравонликларнинг олдини олиш мақсадида халқаро талабларга мувофиқ қонунчиликни такомиллаштириш, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича аниқ ҳуқуқий кафолатларни жорий этиш ва қонун ҳужжатларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш долзарб вазифа ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам вояга

етмаганлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгиланган. Жамиятда эса, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни жиноятдан асраш давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев янгича ёндашув ташкил этган ҳолда “Биз ўз олдимизга қўйган улкан мақсадларимиз ижобатини, Янги Ўзбекистон келажагини бутун эл-юртимиз қатори сиздек азму шижоатли фарзандларимиз билан боғлиқ ҳолда кўрамиз. Шу боис, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни камол топтириш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда”[1] дея таъкидлагани, Ўзбекистон Республикасида ёшларга бўлган муносабат нақадар чуқур илдизга эга эканлигини англатади.

Айтиш мумкинки, 2024 йилда Ўзбекистонда вояга етмаганлар иштирокида 1 342 та жиноят қайд этилган[2] бўлиб, бу кўрсаткич ёшлар билан олиб бориладиган профилактик тадбирларни янада самарали ташкил этиш зарурлигини кўрсатади. Халқаро амалиётда ҳам вояга етмаганларни жиноят муҳитидан асрашга қаратилган тизимли ёндашувлар муҳим ҳисобланади. Масалан, ЮНИСЕФ берган маълумотларга кўра, мактаб ва оила ҳамкорлиги ёшларни оғир оқибатлардан сақлайди. Шу жиҳатдан, профилактика чораларини ривожлантириш муаммога комплекс ёндашувни тақозо этади. Бунда илмий-назарий ёндашув ва касбий амалиёт уйғунлиги муҳим саналади.[3]

ЮНИСЕФ ҳам вояга етмаганларга тегишли бўлган ҳуқуқ ва манфаатларнинг халқаро даражада ҳимоя қилинишини таъминлашни кўзда тутган ҳолда раҳбарий тамойилларни, шу жумладан вояга етмаганларни камситмаслик, боланинг энг зарурий манфаатларига риоя қилиш, яшаш, эркин тарзда ривожланиш ва булар орқали амалга оширилиши керак бўлган ҳар қандай ҳуқуқлар учун асосий талабларни ўзида ифодалайди.[4] Бу каби ҳуқуқлар етарли озик-овқат, бошпана, тоза сув, расмий таълим, бирламчи тиббий ёрдам, бўш вақт ва ҳордиқ чиқариш, маданий тадбирлар ва уларнинг ҳуқуқлари ҳақида маълумот олиш ҳуқуқларини ҳам ўз ичига олади. Зотан, ушбу ҳуқуқлар нафақат ҳуқуқларни амалга ошириш воситаларининг мавжудлигини, балки аъзо давлатлар томонидан уларга амал қилишни ҳам талаб қилиши билан аҳамиятлидир.

Албатта, вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятлар турли тоифаларга мансуб бўлиб, кўпгина ҳолларда жисмоний, психологик ва жинсий зўравонлик, иқтисодий эксплуатация, таълим ва тарбия ҳуқуқларини бузиш каби шаклларда намоён бўлади. Ўзбекистонда вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноятчиликнинг ортиши асосий сабаблар ўрнида кўрсатиш мумкин бўлган турли омилларга боғлиқ. Психологларнинг таъкидлашича, бу омиллар оиладаги муҳит, назоратсизлик ва таълимдаги бўшлиқлар ҳисобланади.[5] Хусусан, ота-онанинг чет элда ишлаши натижасида фарзандлар эътиборсиз қолмоқда ёки айрим ҳолларда интернет орқали турли хавфли гуруҳларга аъзо бўлиш ҳам қайд этилиб, 2023 йилда бундай ҳолатлар миқдори 27 фоизга ошган. Бу эса, профилактика ишларини замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этиш, сабабларни барвақт аниқлаш ва зарурий чораларни амалга оширишни талаб қилади.

А.Макаров бу масалага тўхталар экан, таълим муассасаларида қонунбузарликка қарши мослашувчан тизимлар жорий этилиши кераклигини таъкидлайди.[6] Ушбу фикрнинг амалий ифодаси ўрнида айтиш жоизки,

2023 йилда мактабларда “Ёш ҳуқуқшунослар” тўғараги ташкил этилганида, мактаб ўқувчилари ўртасида жиноятчилик даражаси 15% камайишига эришилган. Бу кўрсаткич ёшларнинг таълим жараёнида ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилган устувор фаолият ҳисобланади. Мактаб психологлари ҳам профилактикада

фаол иштирок этиш билан бирга, давлат органлари ва мактаб ҳамкорлиги узлуксиз равишда амалга оширилиши зарур.

Бизнингча, вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятлар профилактикасини турли йўналишларга ажратиш мумкин. Улардан бири – таълим муассасаларида дастлабки билимларни бериш бўлиб, ушбу жойлар вояга етмаганларни ижтимоийлаштиришда асосий восита вазифасини бажаради.

Эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир муҳим масала бўлиб, вояга етмаганлар ҳимояси бўйича халқаро ташкилотлар ҳам статистик маълумотларни эълон қилиб боради. Жумладан, ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, ҳар 4 дақиқада дунёда битта вояга етмаган шахс зўравонлик оқибатида ҳалок бўлади, 400 миллионга яқини эса, уйда жисмоний жазо ёки психологик зўравонликка дучор бўлади. Яна 650 миллион нафар қиз ва аёл болаликда жинсий зўравонликка учраган бўлиб, шулардан 370 миллион нафари зўрлаш ёки жинсий тажовуз қурбони бўлган.[7] БМТнинг 2023 йилдаги “Глобал вояга етмаганлар ҳуқуқлари ҳисоботи”га кўра, ҳозирги кунда жаҳонда 473 миллион нафар вояга етмаган шахс (ҳар бешинчи боладан биттаси) қуроли мижазолар бўлган ҳудудларда яшайди. Улардан 22 557 нафарига нисбатан 32 990 та оғир ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилган. Бу эса, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда профилактик чораларни кучайтириш заруратини оширади.

Барчамизга маълумки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан ички ишлар органларининг махсус инспекторлари муҳим ўрин тутаяди. Хусусан, профилактика инспекторларининг сони ва малакаси улар фаолиятининг самарадорлигини белгилайди. Айнан 2024 йилда профилактика инспекторлар орқали 2380 нафар вояга етмаган шахслар билан боғлиқ жиноятлар йўлидан қайтарилган бўлиб, бу натижа тизимли ёндашувнинг самарасини кўрсатади. Бироқ, мазкур инспекторлар малакасини ошириш ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда. Улар фақат ҳуқуқий эмас, балки психологик билимга ҳам эга бўлиши талаб этилади. Шунинг учун, ички ишлар идоралари тизимида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини доимий равишда ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Ички ишлар органлари маълумотига кўра, 2024 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда 189 нафар вояга етмаган шахс ўз оила аъзолари ёки қариндошлари томонидан турли жисмоний зўравонликка ёки қийноққа учраган. Ушбу ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг

110-моддаси (Қийнаш) билан баҳоланади. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-829-сон Қонуни[8] вояга етмаганлар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тазйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ҳамда ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга, вояга етмаганлар орасида назоратсизликнинг ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга, шунингдек ногиронлиги бўлган вояга етмаганларни ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаганларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 126<sup>1</sup>-моддасида (Оилавий (маиший) зўравонлик) умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, шунингдек башарти бошқа жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан

Ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир юз олтмиш соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Хусусан, вояга етмаганларга қаратилган жиноятлар ичида жинсий дахлсизликка қарши ҳаракатлар алоҳида ўринга эга бўлиб, 2023 йилда Ўзбекистонда вояга етмаганларга нисбатан 212 та жинсий зўравонликка оид жиноятлар аниқланган.[9] Буларга, аксарият ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 118-моддаси (Номусга тегиш) ва 129-моддаси (Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш) бўйича жиноятлар киради. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан зўравонликсиз уятсиз-бузуқ ҳаракатларни содир этиш учун жинсий жавобгарлик белгиланган бўлсада, “уятсиз-бузуқ ҳаракатлар” тушунчасига аниқ таъриф берилмаган. Бу ҳуқуқни қўллашда ва вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигини ҳимоя қилишда қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Биринчидан, “уятсиз-бузуқ ҳаракатлар”нинг аниқ таърифи йўқлиги бу тушунчани турлича талқин қилиш имкониятини яратади. Суд-тергов амалиётида бу ҳаракатларнинг қайси шакллари жинсий ҳисобланиши масаласида ноаниқлик юзага келади. Масалан, айрим ҳолларда жисмоний алоқа талаб қилинган ёки қилинмаган вазиятларда бу ҳаракатларнинг жиноят таркиби мавжудлиги масаласида зиддиятли қарорлар қабул қилинади.

Иккинчидан, бундай ноаниқлик вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва манфаатларини ҳимоя қилишни самарасиз қилиши мумкин. Жабрланувчилар кўпинча ўз ҳуқуқларини тўлиқ тушунмаслиги ва жинсий ҳаракатларни қандай ҳужжатлаштириш кераклигини билмаслиги сабабли, уларнинг манфаатлари тўлиқ таъминланмайди.

Учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар учун “уятсиз-бузуқ ҳаракатлар” тушунчасини қўллашда аниқ йўриқномаларнинг йўқлиги айбдор шахсларнинг жазодан қутулиб қолишига ёки адолатсиз енгил жазо тайинланишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатлар жамиятда адолатсизлик ҳиссини кучайтиради ҳамда профилактика чора-тадбирларининг самарадорлигини камайтиради.

Д.А.Мусатова ва Е.А.Пашенколар ўз тадқиқотларида жиноят таркиби формулировкаларини аниқлаштириш заруриятини қайд этиб, бунинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган. Уларнинг фикрича, жиноят таркибини ифода этувчи нормаларнинг ноаниқлиги ҳуқуқни қўлловчи органлар ва фуқаролар ўртасида турлича талқинлар юзага келишига сабаб бўлади. Бу эса, ҳуқуқни қўллаш амалиётида зиддиятли вазиятлар ва адолатсиз қарорларга олиб келиши мумкин.[10]

Ўйлашимизча, жиноят таркиби бўйича аниқ тушунчаларнинг жорий қилиниши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳам муҳим рол ўйнайди, чунки фуқаролар ўз хатти-ҳаракатларининг қонунга зид ёки мувофиқлигини аниқ билишлари мумкин бўлади. Шу боис, керакли нормаларни аниқлаштириш нафақат ҳуқуқий тизим самарадорлигини ошириш, балки жамиятдаги ҳуқуқий онгни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Амалдаги қонунчиликда эса, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қатор нормалар мавжуд. Бироқ, улар кўп ҳолларда умумий меъёрлар доирасида белгиланган бўлиб, вояга етмаганларга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда махсус нормаларни қабул қилиш зарур. Вояга етмаганлар меҳнатидан ноқонуний фойдаланиш масаласи ҳам уларга тегишли ҳуқуқларни ҳимоя қилишда таъминланиши лозим бўлган муҳим йўналишлар қаторига киритилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йилдаги Қўшма қарори 4-бандига кўра, вояга етмаганларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик бўйича талаблар қабул қилинган бўлиб, унга кўра ер ости, сув ости, хавфли баландликда ёки ёпиқ муҳитда бажариш, хавфли

механизмлар, асбоб ва ускуналар билан боғлиқ бўлган, оғир меҳнат шароитларида бажариладиган (иш вақтининг давомийлиги узоқ бўлган, тунги ишлар ва бошқалар билан боғлиқ бўлган), хавфли буюмлар ёки жараёнлар, ҳарорат, шовқин ёки тўлқинланиш даражасининг юқори таъсирида вояга етмаганларнинг соғлиғига зарар етказишга олиб келадиган зарарли шароитлардаги, ўзининг хусусияти билан бундай тоифадаги ходимларнинг ахлоқ-одобига зарар етказадиган, белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтариши ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишларда вояга етмаганларнинг меҳнатида фойдаланишга йўл қўйилмайди.[11]

Бундан ташқари, ҳозирда ҳам вояга етмаганларни ғайриижтимоий ишларга жалб қилиш ҳолатлари кўплаб кузатилиб, ушбу қилмишни Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларининг ўзида аниқ мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Ҳозирги пайтда бундай қоидалар Олий суд Пленумининг қарорларида келтирилган бўлиб, бу турли хил талқинларга олиб келиши мумкин. Айрим нормаларни қонун даражасида мустаҳкамлаш ҳуқуқни қўллашда ягона ёндашувни таъминлайди ва турлича талқинларнинг олдини олади. Қолаверса, вояга етмаганларга нисбатан жиноятлар бўйича суд ва тергов амалиётини яхшилаш учун илмий тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш тавсия қилинади. Бу мазкур тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади. Умуман олганда, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид муаммоларни ҳал этиш учун, аввало концептуал ва методик база яратиш зарурлигича қолади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, 2024 йилда вояга етмаганлар иштирокида содир этилган жиноятлар 370 тага ортиб, 18% ҳолларда катталар томонидан уларни жалб этиш ҳолатлари кузатилган. Вояга етмаганларни жиний фаолиятга жалб этиш ҳолатлари нафақат ҳуқуқбузарлик сифатида, балки келажак авлоднинг маънавий емирилишига олиб келувчи хавфли ижтимоий муаммо ҳисобланади. Бу масalani Б.М.Убайдуллаева ҳам тадқиқот объекти сифатида ўрганиб, бола қонунга зид муҳитда шаклланса, унинг ҳуқуқий онги бузилишини алоҳида таъкидлайди. Бундай ҳолатларда нафақат жазо, балки профилактика ҳам асосий восита бўлиши лозим.[12]

Бизнингча, Б.М.Убайдуллаева мулоҳазаларига қўшилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддасидаги (Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш) ҳуқуқий таъсир чораларини бирмунча кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Шундай экан, турли илмий қарашлар орқали баён қилинган масалалар бир қатор мулоҳазаларни илгари суришга имкон берди.

Биринчидан, 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш (ЎРЖК 128-модда) ва унга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш (ЎРЖК 129-модда) учун жавобгарлик механизмлари қайта кўриб чиқиши лозим, чунки амалдаги қонунчиликдаги баъзи юридик тушунчаларнинг аниқ механизми мавжуд эмаслиги, мазкур йўналишда жавобгарликни аниқ белгилашда баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Иккинчидан, вояга етмаган шахсларни тарбиялашдаги сусткашлик ва уларни ғайриқонуний ишларга жалб этиш жамиятда ҳуқуқбузарлик даражасининг ошишига олиб келади. Бундай болалар ижтимоий нормаларни эътиборсиз қолдириб, тажовузкор муҳитда шаклланади. Келажакда улардаги жиноятчиликка мойилликни кучайтириш билан бирга, оила ва таълим муассасаларидаги ижтимоий беқарорлик омилига айланади. Бу эса, вояга етмаган шахсларга тарбия ва таълим берувчи шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини алоҳида тавсифлашни тақозо этади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, вояга етмаган шахсларга қаратилган жиноятларни профилактика қилишда амалдаги қонунчиликка қуйидаги таклифларни бериб ўтишни лозим деб топдик:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига “Ўн олти ёшга тўлмаган шахсни ижтимоий тармоқлар орқали уятсиз-бузуқ ҳаракатларни қилишга ундаш ёки бундай ҳаракатларга жалб этиш” деб номалувчи

128<sup>1</sup>-моддасини киритиш мақсадга мовофиқ.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 128-моддаси (Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш) ва 129-моддаси (Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш) билан боғлиқ ишлар бўйича жиноий жавобгарликни белгилашда, педагоглар, мураббийлар, спорт инструкторлари ёки васийлар томонидан содир этилишини, жиноий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жорий этиш лозим.

Умумий хулоса ўрнида айтиш мумкинки, келтириб ўтилган таклиф амалий тавсияларнинг жорий этилиши, ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилаётган хавfli ҳаракатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шу билан бирга, тарбия ва таълим беришга масъул шахслар томонидан содир этилган жиноятларни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаш жамиятда масъулият туйғусини оширади. Зотан, қонунчиликка берилган ушбу қўшимчалар жамиятимиздаги ҳуқуқий самарадорликни таъминлаб, жазонинг мўтадиллигига бўлган эътиборни оширади. Бу эса, вояга етмаганларга нисбатан жиноятлар салмоғини камайтиришда ва Ўзбекистонда барқарор ва соғлом ижтимоий муҳитни яратишда ижобий самара бериши мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. 30.06.2024 йил // <https://president.uz/uz/lists/view/7361>
2. Жиноят содир этганлиги аниқланган 16-17 ёшдаги шахслар жамига нисбатан улуши. 2024-йил // <https://api.siat.stat.uz/>
3. United Nations Childrens Fund (UNICEF). Youth of Uzbekistan: Challenges and Prospects. December 2020 // <https://www.unicef.org>
4. UNICEF (2020) Building a national social protection system fit for Uzbekistan's children and youth: 25.
5. М.Муҳаммедов. “Ёшлар психологияси ва жамиятдаги хатарли тенденциялар”. Т.: 2022 йил. 57-бет.
6. Макаров А.В. Уголовная ответственност за нарушение прав несовершеннолетних: дис. канд. юрид. наук: 12.00.08 / Науч. рук. Ю.В.Трунцевский. -Москва, 2001. -170 с.
7. Fast facts: Violence against children widespread, affecting millions globally. 04 November 2024 // <https://www.unicef.org>.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-829-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/6430272>
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2024 йил. 20-бет // <https://parliament.gov.uz>
10. Пашенко Е.А. “Уголовная политика в отношении преступлений против половой неприкосновенности: правотворчество и правоприменение” // Северо-Кавказский юридический вестник. – 2014. – № 2. – С. 44–47;
- Мусатов Д.А. “Уголовно-правовая характеристика полового сношения и иных действий

сексуального характера с лицом, не достигшим шестнадцатилетнего возраста” // Бизнес в законе. – 2013. – № 6. – С. 79–82.

11. Вояга етмаганларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик бўйича талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида низом. 2010 йил

15 январь, 88/1-сон // 2010 йил 15 январь, 1-сон // <https://lex.uz/acts/1582076>

12. Убайдуллаева Б.М. “Ўзбекларнинг бола тарбиясига доир анъаналари ва инновациялар (XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошлари)”. Тарих фанлари бўйича фан доктори диссертация иши автореферати. 15.09.2022 йил. 21-бет.

